«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК»НИ ФРАНЦУЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ИЛК ТАЖРИБА ҲАҚИДА

Ё.А.Насирдинова

Мақолада Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган мақолларнинг Реми Дор томонидан амалга оширилган таржималари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *тилшунослик луғати, мақол, морфологик таҳлил, қадимги туркий тил.*

В статье анализируются французский перевод пословиц, вошедших в «Дивани лугатит турк» Махмуда Кашгари, осуществленный Реми Дором.

Ключевые слова*: лингвистический словарь, пословица, морфологический анализ, древнетюркский язык.*

The article analyzes the French translation(by Remitor) entering the «Divoni Lugated Turk» by Mahmud Kashgari.

Key words: *linguistic dictionary, proverb, morphological analysis, ancient Türkic language.*

Туркий халқлар ва уларнинг тиллари тарихида, шу жумладан, ўзбек халқи ва ўзбек тили тарихида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари алоҳида ўрин тутади. Девон қўлёзмаси топилиб, илмий муомалага киритилгандан бери ўтган вақт давомида уни тадқиқ қилиш билан бирга бир қатор тилларга ўгирилди. Ўтган аср давомида девон турк, ўзбек, уйғур, қозоқ, рус, инглиз, немис каби тилларга таржима қилинди. Бу масалада француз тилига таржима қилиш бироз назардан четда қолиб келаётган эди. Ниҳоят, 2010 йилга келиб француз шарқшунос олими Реми Дор девонда келтирилган мақоллардан намуналарни таҳлил қилиб, француз тилига таржима қилди [1]. Ушбу таржима «Бир қарға бирла қиш келмас» (Un seul corbeau ne fait pas l'hiver) номи билан алоҳида китобча шаклида чоп қилинди.

Тадқиқотнинг асоси этиб девон юзасидан яратилган Ферид Биртекнинг *En eski türk savlari* [2] қўлланмаси ҳамда Р.Данков ва Ж.Келлиларнинг инглизча таржимаси [3] олинди.

Китоб муқаддима, икки қисм, мақоллар ҳақида маълумотнома, атамалар индексацияси, тушунчалар индексацияси ҳамда библиографиядан иборат.

Муқаддимада Реми Дор «мақол» сўзининг жаҳон адабиётидаги этимологик таърифларини умумлаштирган ҳолда шундай ёзади: «Миллат донишмандлиги билан йўғрилган, қадимий мантиқ қоидаларига асосланган мақол тингловчилар томонидан ички ҳис-туйғу орқали англашилади. Мазкур қудратли тузилма халқнинг ўз сўзига, халқ унинг муаллифига айланади» [1.10].

Таржима жараёнида Реми Дор Ферид Биртекнинг тадқиқотлари ҳамда америкалик арабшунос ва туркшунос олимлар Р.Данков ва Жейм Келли ҳамкорлигидаги инглизча таржимадан кенг фойдаланган. Энг қадимги туркий тилдан қорахонийлар давридаги туркий тил унинг тадқиқот объекти бўлган.

Реми Дор туркий тилли халқларда насиҳатомуз нутқ шакллари, уларнинг турли номларини таҳлил қилган. Энг қадимги, Ўрхун-Энасой (VII-X асрлар) ёдгорликларида улар «сав» номи билан юритил-

ган, яъни «сўз, нутқ», аниқроғи, бирор мантиқий чегарали мавзуга, хатга ёзилган эпиграф.

Маҳмуд Қошғарий луғатида «са:в» атамаси илк бор «мақол» маъносини олади. Мисол учун: *савда мундоғ калир,* яъни *мақолда бундай келтирилган*. Кейинчалик бу атамани «қисқа воқеа» – қисса, ҳикоя, «ёзма хабар» - рисола, «оғзаки хабар» – калом, «янги маълумот ҳабар» – манба каби маъноларда ҳам қўллайди ва қуйидаги иккиликни келтиради:

Билга аран савларин алғил ўгут
Азғу савиғ азласа ўзка сингар.

Французча таржима:

Prends pour monitions les paroles sentencieuses des hommes sages :

Les bonnes paroles, si on en tire profit, se fondent dans la personne même.

Реми Дор м*ақол, матал* сўзлари араб тилидан олингани, уларнинг француз тилида «паремия» маъносини беришини ҳам айтиб ўтади [1.12]. Қирғизларда *метел,* қозоқларда *матал,* ўзбек ва янги уйғурларда *матал* сўзлари қўлланиб келмоқда. Баъзи олтой халқлари эса мўғул тилидан *ўлгер, ўлигер, ўлагар домак, ўлгер сўс, ўлгўр сўс* каби атамаларни ўзлаштирганлар. Бу ерда ў*лгер* сўзи барча атамаларнинг асоси бўлиб, «ўрнак, мисол» маъносини англатади. Ғарбий туркий тиллар, шу жумладан, тожик тили ҳам араб тилидан зарб-улмасал – «мақолдан келтирмоқ» (*зараба* – урмоқ феълидан) атамасини ўзлаштирганлар. Араб тилидан *мақол* сўзи истеъмолга кириб келса ҳам *с:ав* сўзи фонетик ўзгаришга учраб *сўз* шаклида *оталар сўзи, эскилар сўзи, картлар сўзи, чечан сўз, кубулбас сўз* каби атамалар билан туркий тилли халқлар луғатида қўлланиб келмоқда.

Реми Дор ўз ишининг давомида Маҳмуд Қошғарий ҳақида француз ўқувчисига қисқача маълумот берган [1.17]. «Девону луғотит турк» асарида келтирилган маълумотларни қайд этиш билан бир қаторда, Роберт Данкофнинг қуйидаги фикрини тақдим қилади: «Қошғарий девон яратишда шуни назарда тутадики, туркий маданиятни ифодаловчи жамики маълумотлар: туркий фольклор ва этнография бўлсин, календарь, генеология бўлсин, халқ табобати, шеърияти, афсоналари бўлсин ва албатта халқ мақоллари ҳам девонга киритилиши шарт эди» [1.17].

Китобнинг биринчи қисмида таҳлил методологияси кўрсатиб ўтилган. Таҳлил морфологик, фонетик, синтактик аспектларда ўтказилган.

Реми Дор мақол тузилишини математик белгилар асосида таҳлил қилади. Олим мақолни юқори ва қуйи қисмдан ташкил топган «цефалопод» (юнонча cephalo – бош, podo – оёқ) деб атайди. Вазифасига кўра ҳар бирининг алоҳида ўрни бор, ҳар бири юзма-юз, мувозанат ёки посанги ҳолатида туради. Уларнинг ҳар бири мустақил маънога эга бўлиб, ўртасидаги алоқа узилиши мумкин, бироқ бу мақолнинг яшашига ҳалақит бермайди, фақат аъзолардан бири унинг маъносини ташийди.

Аъзоларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна икки қисмга – *чап* ва *ўнг* бўлакларга бўлинади. Шундан сўнг мақол тузилиши тўртта квадратчаларнинг кетма-кет жойлашишидан ҳосил бўлган квадрат шаклига киради. Буни Реми Дорнинг қуйидаги схемасида кўриш мумкин:

TÊTE (юқори)	Quadrant gauche (чап квадратча)	Quadrant droit (ўнг квадратча)
PIED (қуйи)	Quadrant gauche (чап квадратча)	Quadrant droit (чап квадратча)

Масалан: Қул - ёғи, ит - бўри

Таржима: l’esclave : un ennemi, le chien : un loup [1.79].

TÊTE	қул l’esclave	яғи un ennemi
PIED	ит le chien	бўру un loup

Квадратчалар шакл жиҳатидан ҳам, туб маъно жиҳатидан ҳам мувозанатга келтирилган. Мақолда яхшигина ишлов берилган ўхшатишни ҳам, қарама-қаршиликни ҳам кўрамиз: қул ёғи, душман бўлиши мумкин, ит ҳам бўрига айланиши мумкин. Бироқ қул мавқеъ жиҳатдан итга тенг, душман эса бўрига тенг. Таҳлилдан кўрамизки, мақол асосида параллел ёки кесишган ўхшатиш ўйини ётади.

Ҳар бир квадратча мантиқий жиҳатдан «салбий» ёки «ижобий», «бўлишли» ёки «бўлишсиз» маъносига кўра қутбланган. Бу ерда гап турли хил қарама-қарши иккиликлар ҳақида кетади: utile/inutile (фойдали/фойдасиз), bon/méchant (раҳмдил/ёвуз), ami/ennemi (дўст/душман), grand/petit (катта/кичик) ва ҳоказо. Квадратчалар манфий «-» ёки мусбат «+» тарзда белгиланган. Ижобийлик, феълнинг бўлишли шакли, катта каби маънолар мусбат «+», салбийлик, феълнинг бўлишсиз шакли, кичик каби маънолар манфийлик «-» белгиси билан белгиланган.

Реми Дор ҳар бир квадратчадаги сўзларни морфологик жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда қутблайди. Мисол учун: Алплар бирла урушма, беглар билан турушма.

TÊTE	алплар бирла +	уруш-ма + - -
PIED	беглар бирла +	туруш-ма + - -

Юқори элементнинг ўнг квадратчаси негатив – бўлишсиз: бўлишли формадаги *уруш* феълига *–ма* бўлишсизлик қўшимчаси қўшилмоқда. Ўнг квадратча бўлишсиз шаклда бўлганлиги, мақолнинг қуйи қисмининг ўнг квадратчаси ҳам бўлишсиз шаклда келишидан дарак беради.

Яна бир мисол, номинал синтагма ичида негатив ҳолатдаги аниқловчи аниқланмишнинг қутбини ўзгартиради. Ҳозирги ўзбек тилидаги: *Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. Қуруқ гап қулоққа ёқмас* мақоли қадимги туркийда қуйидагича қўлланилган:

Аслият: қуруғ қашуқ адизқа ярамас, / қуруғ сўз қулаққа яқишмас

Таржима: cuiller vide à la bouche ne convient/parole vaine à l'oreille ne parvient):

TÊTE	*қуруғ қашуқ* - + -	*адизқа ярамас* + - + - -
PIED	қуруғ сўз - + -	қулаққа яқишмас + - -

Қуруқ сифати (sec, бу ерда vide маъносида) синтагмани манфийлаштирган, ўнг квадратчада эса *яра-мас* сўзи қутбни манфийлаштирган. Натижада мақолнинг қуйи қисмида ҳам мана шундай синтактик тузилма талаб қилинган.

Таржимага келсак, мақолнинг синтактик тузилиши сақланган. Феълнинг бўлишсиз шакли ёрдамида тузилган я*рамас-яқишмас* қофиялари convenir - parvenir феълларининг бўлишсиз шакли орқали таржима қилинган. *Қуруқ* сифатининг юқори қисмда ўз маъносида (vide), қуйи қисмда *беҳуда, бекорчи* (vain) сўзи билан таржима қилинган. Натижада мақолда янги маъно келиб чиққан, яъни *бекорчи, беҳуда, кераксиз сўзлар, қулоққа ёқмайди* маъноси *қуруқ сўз – қуруқ ваъда, ҳеч қандай амалиётсиз сўз қулоққа ёқмас* маъносига қўшилган.

Таҳлил жараёнида ҳосил бўлган квадратик шакллар системасини Реми Дор тўрт туркумга киритади. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири яна тўрт туркум ости бўлакларга ажратилган.

1. PP (tête positive, pied positif) - (юқори қисм – мусбат, қуйи қисм - мусбат)

2. NN (tête négative, pied négatif) - (юқори – манфий, қуйи - манфий)

3. NP (tête négative, pied positif) - (юқори – манфий, қуйи - мусбат)

4. PN(tête positive, pied négatif) - (юқори – мусбат, қуйи – манфий)

Юқоридаги 2 туркумни 1 туркумга жипслаштириш мумкин:

Математик қоидага кўра икки мусбат соннинг кўпайтмасида мусбат сон ҳосил бўлади. Шундан келиб чиқиб PP = + × + = + ҳолатига тенг, худди шундай натижани NN = -×- = + ҳолатида ҳам кузатамиз. Бундай туркумдаги мақолларни Реми Дор «гармоник (ҳамоҳанг) мақоллар» деб атайди. Қарама-қарши қутбли мақолларни эса «дисгармоник мақоллар» деб юритади.

А. PP туркумига киритилган мақоллар энг кўп учрайдиган ва энг афзал кўрилган мақоллардир. Таржимон уларнинг 43 тасини мана шу қаторга киритган.

PP_1 туркум ости мақолларига қуйидаги тартиб рақамли мақоллар киритилган: 2, 4, 6, 11, 25, 26, 30, 32, 35, 37, 41, 56, 64, 68, 86, 88, 89, 91, 97.

25-рақамли паремани олсак, таржимада у шундай берилади: Unité à unité un millier se forme, / goutte à goutte une lac se forme.

TÊTE	Unité à unité бирин бирин +	un millier se forme меминг болур +	+
PIED	goutte à goutte тама тама +	une lac se forme мекўл болур +	+

Квадратчаларнинг бир хил қутбли мажмуи мақолнинг ички жипслигини кучайтирган.

PP_2 туркум ости мақолларига қуйидаги тартиб рақамли мақоллар киритилган: 8, 23, 27, 38, 47, 60, 61, 62, 66, 67, 69, 75, 77, 96.

38 - мақол таржимаси шундай берилади:

Аслият: Кўздан йираса/ кўнгилдан йима йирар.

Таржима: Quand on s'éloigne des yeux / on s'éloigne aussi du coeur.

TÊTE	Кўздан -	йираса -	+
PIED	Кўнгилдан йима -	йирар -	+

Квадратлар бир хил манфий қутбга эга бўлган ҳолда, уларнинг мажмуи мусбат қутбни ҳосил қилиб, афзал танлов шаклланади. Ҳозирги ўзбек тилида мақол *Кўздан нари / кўнгилдан нари,* французтилида эса *Loin des yeux/loin de coeur* шаклида сақланиб қолган.

Таржима қилинган мақолларнинг барчаси Реми Дор томонидан шу тарзда туркумларга ажратиб чиқилган.

Морфологик таҳлил мақолнинг абстракт – ички шаклини назорат қилишнинг энг оддий усули бўлиб, уни классификация қилишга имкон беради. Олим манфий ва мусбат белгилар билан амалга оширилган математик таҳлили орқали асрлар давомида мақол ташиб келган ижобий ёки салбий маъноларни ифодалашга ҳаракат қилган.

Адабиётлар:

1. Dor Rémy, *Un corbeau ne fait pas l'hiver* (*Bir qarg`a birlä qiš kälmä :s*), Cent proverbes turks millènnaires présentés et traduits par Rémy Dor, Paris, 2010

2. Ferit Birdek, *En eski türk savlari*, Ankara, 1944, 199 p.

3. Mahmud al-Kašgari, *Compendium of the Turkic Dialects,* edited by R. Dankoff in collaboration with J. Kelly, Harvard, 1985, 3 vol.

Андижон давлат университети,
2017 йил 20 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Мамадалиев)